

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**1**  

---

**2021**

**Тошкент**

---

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

2021  
йил  
1-сон

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР ФИНАНСЫ И НАЛОГИ

Дустов Ф.И.	Венчур молиялаштиришнинг халқаро тажрибаси: АҚШда венчур молиялаштиришнинг институционал жиҳатлари.....	131
Мусалимов Ш.И.	Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулккни солиқقا солишда илғор хориж тажрибаси ва уни мамлакатимизда кўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	136
Урманбекова И.Ф.	Корхоналар молиявий ресурслари, уларнинг зарурияти ва шакллантириш асослари.....	142

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СФЕРА УСЛУГ

Джураева Д.Д.	Хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновацион салоҳият ва ёндашувларни тадқиқ этишнинг методологик масалалари.....	148
Исмаилова Н.С., Исаев Қ.А., Ҳамидов И.И. Саттаров Ш.Ҳ.	Ўзбекистон транспорт коридорлари кенгайиши доирасида бир макон бир йўл лойиҳаси амалга ошишининг замонавий тенденциялари.....	156
	Хизмат кўрсатиш корхоналарида харажатларини камайтириш ва ундан олинадиган фойдани кўпайтириш асосида самарадорликни ошириш.....	171

## ТАЪЛИМ ОБРАЗОВАНИЕ

Салихов Н.Д.	Мактабгача таълим ташкилотини бошқаришда ташкилий-хуқуқий усулларнинг аҳамияти.....	175
Хакимов Н.Х., Абдумаликов А.А.	Совместные международные образовательные программы как важная форма подготовки высококвалифицированных кадров в Узбекистане.....	181
Хакимов Ф.Қ.	Олий таълим муассасаси таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.....	187
Сафаров О.А.	Таълим тизими бошқарувида стратегик менежмент механизмлари ва бошқарув моделларининг ўрни.....	190

## ДЕМОГРАФИЯ, МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ДЕМОГРАФИЯ, ЭКОНОМИКА ТРУДА

Юсупов Р.А. Базарова Г.Г. Абдурамонов Х.Х.	Камбағалликнинг мазмуни, сабаблари ва асосий кўрсаткичлари..... Худудий меҳнат бозорини ривожлантиришнинг кластер шаклини яратиш..... Хорижий мамлакатларнинг эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатларини олдини олиш борасидаги тажрибалари.....	197 201 207
--	--	-------------------

## МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА

Гаффоров У.У.	Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиши таъминлашда Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш ва инвестицион мухит самарадорлигини ошириш.....	213
---------------	---	-----

## КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ПРЕДПРИЯТИЯ

Махкамбоев К.А.	Автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти кўрсаткичлар бўйича рейтинг натижасининг қиёсий таҳлили.....	217
-----------------	--	-----

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Топилдиев С.Р.	Мамлакатимизда аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-куватлаш механизmlарини такомиллаштириш йўллари.....	221
Амиролов Л.Ф. Маматкулов Б.Ҳ.	Аграр секторни барқарор ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари.....	224
Кушаров З.Қ.	Фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етишиширишни ривожлантириш - камбағалликни қисқартиришнинг устувор ўйналишларидан биридир.....	232
Мирзаев С.А.	Турли хўжалик юритиш шаклларидағи қишлоқ хўжалиги корхоналарида гўшт ишлаб чиқаришнинг аҳамияти.....	238
Мирзаев А.Қ.	Қишлоқ хўжалиги тизимида техник хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	241
	Суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий-экологик самарадорлиги.....	244

## РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ

Мамаджанов А.А. Мўминов Х.И., Абдуллаева Ҳ.	Ўзбекистонда туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш..... Пандемиянинг Ўзбекистон туризми ривожланишига таъсири.....	248 253
---	--	------------

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириши рағбатлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 мартағаги ПҚ-308-сонли қарори, <http://info@Gov.uz>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтириши рағбатлантириши кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарори, <http://info@Gov.uz>.

5. А.А.Файзиев, З.К.Кушаров. Гўшт етишиши динамикасининг статистик таҳлили(Мақола). Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, 2020 йил, 4 (82)-сон. 34-38 бетлар.

6. Н.Х.Норалиев, З.К.Кушаров. Рақамли иқтисодиёт шароитида чорвачилик маҳсулотлари етишиши жараёнларини моделлаштириши (монография). “Иқтисод-молия” нашриёти, “Хумоюнбек-истиқол мўжизаси” босмахонаси. Тошкент – 2019 й.

7. E.Yusupov, Z.Kusharov, Z.Siddikov, N.Alieva. Key problems of agricultural policy: food security and diversification(article). Journal of Science and Healthcare Exploration (JSHE) Bi-Monthly, Peer-Reviewed, Refereed, Indexed Journal, 30/06/2019, Page 1-7

8. А.У.Абдурахимов, З.К.Кушаров. Қишлоқ хўжалигида гўшт ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш истиқболлари (монография). “Ren-Poligraf” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.7,2 б.т., Тошкент-2012 й

9. Stat.uz- маълумотлари

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мирзаев Сарварбек Авазбекович -  
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти  
Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчisi,**

**Аннотация:** Мақолада қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиши ва техник сервиси ўйналишлари бўйича кадрлар тайёрлашини ўйла қўйиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш тизими, ишлаб чиқариш самарадорлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш марказининг тузилишининг вазифалари, функциялари, хизмат кўрсатиладиган ускуналарнинг ҳолати ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** консалтинг, машина-трактор парк, диагностика, техник ўқитиш, утилизация, техник хужжатлаштириш, менеджмент, модернизация.

## ОСОБЕННОСТИ ТЕХНИЧЕСКИХ УСЛУГ В СИСТЕМЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

**Аннотация:** В статье представлена информация об организации обучения работе с сельскохозяйственной техникой и ее техническому обслуживанию, системе управления сельскохозяйственными предприятиями, эффективности производства, развитии сельского хозяйства, структуре и функциях сервисного центра, состояния и эксплуатации техники.

**Ключевые слова:** консалтинг, машинно-тракторный парк, диагностика, техническое обучение, утилизация, техническая документация, менеджмент, модернизация.

## FEATURES OF TECHNICAL SERVICES IN THE AGRICULTURAL SYSTEM

**Abstract:** The article provides information on the organization of training in working with agricultural machinery and its maintenance, the management system of agricultural enterprises, production efficiency, agricultural development, the structure and functions of the service center, the state and operation of equipment.

**Keywords:** consulting, machine and tractor fleet, diagnostics, technical training, utilization, technical documentation, management, modernization.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида қишлоқ хўжалигининг ўрни бекиёсdir. Иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришида қишлоқ хўжалиги техника хизмати муҳим аҳамият касб этади. Техника бу, дехқоннинг қаноти. Бу нақл бежизга айтилмаган. Шундай экан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан ўз вақтида таъминлаш ва юртимиз равнақи, халқимиз фаронлиги йўлида меҳнат қилиш муҳимдир. Бунгунги кунда, қишлоқ хўжалиги экинларини ўз

вақтида бажарилишини таъминлаш учун техника воситаларига техник хизмат кўрсатиш муҳим ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдики, Иқтисодиётни модернизация қилиш даврида қишлоқ хўжалигида техник хизмат кўрсатишни бошқариш тизимини шакллантиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Президентимизининг 2019 йил 31-июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжа-

лиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”[1] ПҚ-4410-сон қарори бу тизимда муҳим омил бўлиб бормоқда. Қарорнинг дастурига “Етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш” киритилган. Асосий эътибор Хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан биргалиқда икки томонлама диплом бериладиган қўшма дастурлар асосида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервиси йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишга қаратилган.

### Бу борада бир қатор вазифалар белгиланган:

1. Машина ва трактор паркларини модернизация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш;
2. Техник воситаларни диагностика қилиш, техникани узоқ муддат сақлаш;
3. Машина ва трактор паркларининг мавжуд техникаларини янгилаш, техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштириш;
4. Қишлоқ хўжалиги техникаларига техник хизмат кўрсатиш учун кўчма сервис машиналарини ташкил қилиш;
5. Мавжуд техник хизмат кўрсатиш марказининг жиҳозларини модернизация қилиш, замон талабига жавоб берадиган техникалар ҳамда малкали кадрлар билан таъминлаш.

Техник хизмат кўрсатиш деганда, янги ёки таъмирдан чиқсан техника воситаларини чиниқтириш ёнилғи билан таъминлаш, техник кўриқдан ўтказиш ва таъмир қилиш тушунилади.

Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш - машинанинг ишлаш қобилиятини сақлаш, тиклашга қаратилган комплекс ишлардан иборат[2]. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини умумий илмий назария асосида бошқариш, унинг қонуниятларини чукур тадқиқ қилиш, бошқаришнинг самарали техник воситаларини яратиш, бошқариш фаолиятини такомиллаштиришнинг янги имкониятларини аниқлайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш тизими:

- бошқарилаётган обьектлар ҳолати ҳақида ахборот олиш ва таҳлил қилиш;
- бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- обьектларга бошқарув таъсирларини ўтказиш;
- обьектларнинг янги ҳолати ҳақида ахборот олиш ва таҳлил қилиш.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги қўп жиҳатдан менежмент усусларининг мукаммаллиги ва тўғри шаклланганлиги билан узвий боғлиқдир. Менежмент усуслари бу - бошқарув субъектиning бошқарув объектига мақсадли йўналтирилган таъсир ўтказиш усуслари бўлиб, яъни унинг вазифаси бошқарувнинг ишлаб чиқариш жамоаси олдига қўйилган мақсадлари мувофиқлаштиришни таъминлашдан иборатdir[3].


2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-бандида Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича алоҳида урғу бериб ўтилган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда:

- хорижий тажрибалар асосида қишлоқ хўжалигига замонавий техника ва технологияларини жорий этиш;
- молиялаштириш механизмларини тақомиллаштириш;
- Республикаизда ишлаб чиқарилган ва хориждан импорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини даврий синовдан ўтказиб бориш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш;
- техника ва технологияларнинг замонавий турларини фаол жорий қилиш бўйича инновацион илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиши;
- давлат илмий-техник дастурларни шакллантириш;
- қишлоқ хўжалиги механизация даражасини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатларидан фойдаланиш самарадорлиги ва сифатини ошириш;
- машина-трактор паркларининг фаолиятини тақомиллаштириш;
- доимий равища қишлоқ хўжалигини техникалар билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги техникаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалигини янги замонавий техникалар билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фаол иштирок этганларни рафбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва чукур қайта ишлашни амалга ошириш керак.

Мазкур вазифани ривожлантиришда асосий эътиборни машиналар ишончлигини ошириш ва машина трактор паркини, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш сервис ва сақлаш базасини яратиш, уни янада тақомиллаштириш ишларига қаратилиши керак.

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ



**1-расм. Техник хизмат кўрсатиши бўлими тузиљмаси**

Қишлоқ хўжалигида техник хизмат кўрсатиши бўлимини ташкил қилиш керак. Хизмат кўрсатиши марказининг тузилиши ва функциялари хизмат кўрсатиладиган ускуналарнинг ҳолати ва фаолият кўламига боғлик (1-расм).

*Мухандислик бўлимининг вазифасига, ишлаб чиқариш жараёнларини синовдан ўтказиш, ишлатиш, техникани ишлаб чиқариш стандартига мувофиқлигини таъминлаш, технологик муаммоларни туб сабабини аниқлаш, таҳлил қилиш, техник тузатиш ҳамда статистик маълумотларни ишлаб чиқиш киради.*

*Режалаштириш бўлимининг вазифасига, фаолиятини иқтисодий режалаштириш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, корхонанинг келажақдаги ишларини режалаштириб техникага бўлган талабни ўрганишдан иборат.*

*Техник ўқитиш бўлимининг вазифасига, янги кадрларни тайёрлайди ва турли тоифадаги ишчиларни малакасини оширади, мустақил таркибий бўлим ҳисобланиб тўғридан-тўғри техник кадрларни малакасини ошириш марказига бўйсунади.*

*Техник хужжатлаштириш бўлими, корхонанинг таркибий бўлинмаларининг барча раҳбарларини зарур бўлган қонун, қарор ва низомлар билан таъминлади, шунингдек, техник хужжатларни ҳисобини юргизади, кўпайтиради, сақлади ва ўзгарган норматив меъёрий хужжатларни жойларга етказади ҳамда муддати ўтган хужжатларни давлат архивига топширади.*

*Техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш жойи, вазифаси, носозликлар пайдо бўлишининг олдини олиш, машиналарни иш ҳолатда бўлиши учун эҳтиёт қисмларини текшириш, тозалаш, мойлаш, махкамлаш ва созлашдан иборат. Бу ер техник профилактика жойи ҳисобланади.*

*Захира (буюмлар) омборлари, бу ерда, эҳтиёт қисмлар сақланади, техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш жойига яқин жойда жойлашган бўлади.*

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари тўхталиб ўтамиз.

### Қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари<sup>[4]</sup>

	2017	2018	2019	2020 йил январь-июнь
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда	101,0	100,2	103,3	102,7
шу жумладан:				
дехқончилик	98,2	95,8	104,8	104,0
чорвачилик	104,1	105,7	101,6	101,6

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий ўсиш суръати йилларга нисбати кўриб чиқадиган бўлсак 2017 йил 101,0 фоиз, 2018 йил 100,2 фоиз, 2019 йил 103,3 фоиз ҳамда 102,7 фоизда ўсиш ҳолатларини кўришимиз мумкин.


Қишлоқ хўжалигида техник хизмат кўрсатишини ривожлантириш бўйича таклифлар.

1. “Агросервис МТП” МЧЖларида техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун малакали моторист, ташхисчи, токар, пайвандчи ва чилангарларни жалб қилиш.

2. Техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш сифатини яхшилаш учун зарур эҳтиёт қисмлар, машина, механизм ва жихозлар билан таъминлаш, эскирганларини утилизация қилиш керак.

3. Фермерлар томонидан техникаларга сервис ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида ба- жарилишини таъминлаш керак.

4. “Агросервис МТП” МЧЖ томонидан сифатли сервис техник хизмат кўрсатишни амалга ошириш керак.



Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Республикашим вилоятларида қишлоқ хўжалигида намунавий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш долзарб масала ҳисобланади, агар ушбу

муаммолар секин аста бартараф этилса келгусида қишлоқ хўжалигида техник хизмат кўрсатиш бўйича муаммо ва камчиликлар камайиб боради.

### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. 2019 йил 31-июндағи “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4410-сон қарори.
2. И.А.Аширбеков, И.Г.Горлова, Машиналар ишончлилиги ва техник сервиси. Т.2011 й. 102-бет.
3. Ф.А. Саматов, И.Б. Рустамова, У.А. Шерипбаева, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт ва менежменти. Дарслик. Тошкент. 2012. 8-бет (320 б).
4. <https://stat.uz/uz/180-ofitsialnaia-statistyka-uz/6571-qishloq-xo-jaligi>

## **СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ**

**Мирзаев Абдулла Қурбанович -  
Термиз давлат университети доценти**

**Аннотация.** Мамлакатда суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда экологик омиллар муҳим ўрин тутади. Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий-экологик кўрсаткичини аниқлаш бўйича муҳим хулоса ва таклифлар берилган.

**Калим сўзлар:** иқтисод, экология, самарадорлик, мелиорация, суғориладиган, капитал маблағ, тадбир, ресурс, халқ хўжалиги, фойдаланиш.

**Аннотация.** Экологические факторы играют важную роль в повышении эффективности использования орошаемых земель в стране. В данной статье предложены важные рекомендации для определения экономико-экологических показателей эффективности использования земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве.

**Ключевые слова:** экономика, экология, эффективность, мелиорация, орошение, капитал, финансовый, ресурс, фактор, народное хозяйство, использование.

**Annotation.** Ecological factors play an important role in increasing the efficiency of irrigated land use in the country. This feature provides important conclusions and recommendations for determining the economic and environmental indicators of the use of land and water resources in agriculture.

**Key words:** economy, ecology, efficiency, reclamation, irrigate, capital, financial, measure, resource, national economy, use.